

Судланувчининг жиноий ҳаракатлари ортиқча квалификация қилганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 18 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, Урганч туман судининг 2009 йил 21 октябрдаги ҳукмига асосан С. Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисми билан 5 йил, 270-моддаси 1-қисми билан 1 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, суд залидан қамоққа олинган.

Суд ҳукмига кўра, 2009 йил 10 август куни С.нинг яшаб келаётган уйи милиция ходимлари томонидан кўздан кечирилганида, С.нинг боғида умумий вазни ҳўл вақтида 254,13 грамм, қуритилган ҳолатида 50,8 грамм таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган бир туп «каннабис» ўсимлигини келгусида қонунга хилоф равишда сотиб фойда кўриш мақсадида экиб, парваришлаб келганлиги аниқланган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, С.нинг айби тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келган.

Бироқ суд С.нинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисми билан ортиқча квалификация қилиб хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми диспозициясида кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситалар ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сотганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу кодекснинг 25-моддаси 2-қисмида эса қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «**Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида**»ги қарорининг 6-бандида айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ўтказиш мақсади борлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда (Жиноят кодексининг 273-моддаси), судлар, бу восита ёки моддалар ҳақиқатдан ҳам ўтказиш учун тайёрланганлигини намаён этувчи далиллар мажмуига асосланмоқлари лозимлиги қайд этилган.

Бироқ суд ишни судда кўришда юқорида қайд этилган қонун талаби ҳамда Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига амал қилмаган.

С. дастлабки тергов ва судда ўзи яшаётган уйнинг боғига ҳар хил экинлар экиб парваришлаганлиги, 2009 йил июль ойида экинларни ёввойи ўтлардан тозалаётган вақтида бир туп «Каннабис» ўсимлигини ўриб ёқиб юборганлиги, кейинчалик боғда экинларга қараб юрганида яна бир туп «Каннабис» ўсимлиги борлигини кўрганлиги, экинларга ҳашорат келмаслиги учун унга тегмаганлиги, уни сал каттароқ бўлганидан кейин ўриб ташламоқчи бўлганлиги, 2009 йил 10 август куни уйига милиция ходимлари келиб, ушбу «каннабис» ўсимлигини аниқлаб ҳужжатлаштириб олишганлиги, «каннабис» ўсимлигини сотиш нияти бўлмаганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ Д. дастлабки тергов ва судда 2008 йилдан буён профилактика инспектори бўлиб ишлашлиги, хизмат давомида унга бириктирилган ҳудудда яшовчи С.нинг ҳовлисида бир туп «каннабис» ўсимлиги экилганлиги ҳақида тезкор маълумот олганлиги, 2009 йил 10 август куни милиция ходимлари ва холислар иштирокида С.нинг ҳовлиси кўздан кечирилганда таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган бир туп «каннабис» ўсимлиги аниқланиб

ашёвий далил тариқасида хужжатлаштириб олинганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ Н. дастлабки тергов ва судда 2009 йил 10 август куни милиция ходимларининг таклифига кўра, С.нинг уйи ва боғини кўздан кечиришда холис сифатида иштирок этганлиги, кўздан кечириш жараёнида С.нинг боғида бир туп «каннабис» ўсимлиги ўсиб ётганлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Жиноят ишида С. унинг боғидан топилган бир туп «каннабис» ўсимлигини кейинчалик гиёҳвандлик воситаси тариқасида сотмоқчи бўлганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Бундай ҳолатда С. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда кўп миқдорда гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотишни охирига етказа олмаган деб бўлмайди.

Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилниши лозим.

Қайд этилган ҳолатлар апелляция инстанцияси судининг ҳам эътибордан четда қолган.

Шу сабабли, судлов ҳайъатининг 2010 йил 1 апрелдаги ажрими билан С.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Урганч туман судининг 2009 йил 21 октябрдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 18 ноябрдаги ажрими ўзгартирилди, суд қарорларининг С.ни Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топиш қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми тугатилди. С.га нисбатан Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан тайинланган 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзгаришсиз

қолдирилди. Унга нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 2-банди қўлланилиб, тайинланган жазони ўташдан озод қилинди.

Назорат иши ЖСХ-42-10